

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ САВДО ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

506 «Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил 13 июнда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2697-1

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 30 апрелдаги ПҚ-1961-сон «Маҳаллий истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва ассортиментини кенгайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг 2015 йил 23 июндаги 54, ЭГ-01/14-3170, 96, 2015-17, 01-02/8-16-сон «Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2697, 2015 йил 14 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 28-сон, 375-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Молия вазири

Б. ХОДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 5 июнь,
67-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

24 (784)-сон

— 135 —

506-модда

Ташқи савдо вазири

Э. ҒАНИЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 5 июнь,
2017/09-09-сон

Иқтисодиёт вазири

Г. САИДОВА

Тошкент ш.,
2017 йил 5 июнь,
133-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. ПАРПИЕВ

Тошкент ш.,
2017 йил 5 июнь,
2017-21-сон

**Давлат божхона
қўмитаси раиси**

М. ТОХИРИЙ

Тошкент ш.,
2017 йил 5 июнь,
01-02/8-21-сон

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги,
Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ
қўмитаси ва Давлат божхона қўмитасининг
2017 йил 5 июндаги, 67, 2017/09-09, 133,
2017-21 ва 01-02/8-21-сон қарорига
ИЛОВА

**«Тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари
амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона
имтиёзларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Қарорнинг муқаддимаси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июл-
даги 154-сон «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи
буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастурини
шакллантириш механизмини такомиллаштириш ва амалга ошириш бўйича
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Рес-

публикаси Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**».

2. Низомда:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 21 июлдаги 154-сон «Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастурини шакллантириш механизмини такомиллаштириш ва амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ тасдиқланган Маҳаллийлаштириш дастури лойиҳалари амалга оширилаётган корхоналар томонидан солиқ ва божхона имтиёзларини қўллаш ҳамда улар томонидан даромадларнинг алоҳида-алоҳида ҳисобини юритиш тартибини белгилайди.»;

б) 1-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«1. Мазкур Низом тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналарга татбиқ этилади.»;

в) 4-банддан «, мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган ҳолат бундан мустасно» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

г) 5 ва 17-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин;

д) 14-банддаги «Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг» деган сўзлар «Ташқи савдо вазирлигининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

е) 16-банддаги «, мазкур Низом 1-бандининг иккинчи хатбошисида кўрсатилган корхоналар» деган сўзлар «корхоналар» деган сўз билан алмаштирилсин.